

## БАДИЙ ИЖОДДА ҚИССАХОН-ҲИКОЯЧИ ОБРАЗИ

Рустамова Ибодат Икрамовна

ФарДУ адабиётшунослик кафедраси доценти,  
филология фанлари доктори

Мамаюсупов Содиржон Нематжонович

ФарДУ, 2-босқич магстрани

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада бадий ижоддаги қиссаҳон-ҳикоячи образининг бадий асар структураси вазифаси ҳақида сўз юритилади.

**Таянч сўз ва иборалар:** қиссаҳон-ҳикоячи, функция, бадий бутунлик, ижодий метод, ижод эркинлиги, ҳаётӣ ҳақиқат, поэтика, услугуб, маҳорат, қаҳрамон, характер, бадий матн, контекст, бадий нутқ, конфликт, ижодий жараён, ижодий лаборатория.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье говорится о функции структуры художественного произведения образа сказочника в художественном творчестве.

**Ключевые слова и выражения:** рассказчик, функция, художественная ценность, творческий метод, творческая свобода, реальная жизнь, творчество, жизненная действительность, поэтика, стилистическая мастерство, герой, характер, художественный текст, художественная речь, конфликт творческий процесс, художественная лаборатория

### ABSTRACT

In this article, the function of the structure of the artistic work of the image of the storyteller in artistic creation is considered.

**Key words and expressins:** storyteller, function, artistic integrity, creative method, creative freedom, real life, poetics, stylistic skill, context, hero, character, artistic text, artistic speech, conflict, creative process, creative laboratory.

### КИРИШ

XX аср ўзбек насли ўзига хос тараққиёт ва изланишлар босқичини босиб ўтди. Маълумки, собиқ шўролар даврида бир ижодий методнинг ҳукмрон бўлиши ижод эркинлигига акс таъсири кўрсатиб, ҳаёт ҳақиқати талқинида ёзувчига қийинчилик туғдиради. Лекин шунга қарамай ўз даврида XXI аср ижодкорлари учун ҳам ўрганиш манбаи вазифасини бажарадиган асарлар яратилди, ушбу асарлар поэтикаси: услугуб ва маҳорат, қаҳрамон ва характер, бадий матн ва контекст, бадий нутқ ва конфликт, ижодий жараён ва ижодий лаборатория каби масалалар тадқиқи долзарб ҳисобланади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Бадиий асарлар поэтиказини яъни, услугуб ва маҳорат, қаҳрамон ва характер, бадиий матн ва контекст, бадиий нутқ ва конфликт, ижодий жараён ва ижодий лаборатория кабиларнинг ўрганиш муҳим саналиб бу жараёнларга эътибор қаратиш тарихан бизга маълум. Шу манода юқоридаги назарий масалаларни хал этишда қатор илмий тадқиқотлар яратилди. Ўзбек адабиётшунослигига назарий асарларда ҳикоячининг функцияси ниҳоятда кам тадқиқ этилган. Рус ва жаҳон адабиётшунослигига бу борада бирмунча ишлар амалга оширилган. “Демак, ҳикоя этиш муаллиф ижодкор томонидан эпик асарнинг “иккинчи даражали” субъектига (ҳикоя қилувчига) тегишли ва “воситачилик” вазифасини бажарувчи (ўқувчи билан бадиий асарни боғлаб турадиган) матн парчалари тўпламидир, бу биринчидан, ўқувчига қаратилган турли хил маълумотларни тақдим этиш бўлса, иккинчидан қаҳрамонлар ва ҳикоя қилувчининг барча мавзуларга йўналтирилган баёнотларини ягона тизими доирасида бир-бирига боғлаш ҳамдир”<sup>7</sup>

“Умуман олганда, ҳар қандай таҳлил, жумладан структур таҳлилнинг пиравард мақсад-вазифаси бадиий асарнинг жон жойини топиш ва уни далиллар орқали илмий аниқ ва таъсирчан тарзда кўрсатиб беришдир”.<sup>7</sup> Айтилган илмий қарашларга муносабат билдириш билан бирга, улар томонидан ўрганилмаган назарий жиҳатлар ёритилган.

“Хуллас, ҳикоянинг илк ва сўнгги жумласига бадиий модул сифатида қараш, уларга бадиий таҳлил жараёнида суюниш усули ўзини оқлайди. Ҳикоя структурасида илк жумла бадиий сўз ва фикрларни ёйишга замин ҳозирласа, сўнгги жумлада улар бир бутун ҳолда йиғилиб, ёзувчи бадиий концепциясини асослаш ҳамда ўқувчи онгига уйғун ҳолатда етказиш вазифасини бажаради”<sup>1</sup>.

## НАТИЖАЛАР

Бадиий асар поэтиказини ўрганиш ва уни жаҳон андозалари асосида текшириш бугунги куннинг энг долзарб ва кечикириб бўлмайдиган назарий масаласи саналади. Бадиий асар матнини асар структураси асосида тадқиқ этиш, матн таркибидаги ҳар бир сўз ва шаклий элементларни воқеликни ҳаётий акс эттириш аспектида таҳлил этиш, матннинг асл маъносини ифодалашда йўл очади.

<sup>7</sup>. Милиев С. (Сувон Мели). Глобал илмий-бадиий талқин поэтикаси: Фил. фан. док-ри (DSc.) дисс. – Тошкент, 2019. –Б.66.

<sup>1</sup> Ҳамроев К. Ҳозирги ўзбек ҳикоясида композиция поэтикаси: Филол. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.автореф. –Тошкент, 2018. –Б. 20.

Бадий бутунликни таъмин этишда ровий ривоя тарзи асар структурасида етакчилик қилиб, “Майиз емаган хотин” ҳикоясида ровийнинг холис позицияси кузатилади. Ижодкор услубидаги образларнинг ўз-ўзини фош этиш тамойили бу ҳикояда янада етакчилик қиласди. Ровий баён тарзида кесатиқ, киноя, тарафкашлик каби усусларнинг мавжудлиги ҳикоя бадий қимматини оширади.

“Бошсиз одам” ҳикоясида салбий образларга нисбатан ровийнинг атайлаб тарафкашлик муносабати бўлиши, эмоционал таъсир ўтказишнинг ўзига хос кўринишидир. Бадий воқеликни “акслантириш”да, саргузашт ва реалистик элементларнинг мавжудлиги “пайвандлаш” зарурати, ровийнинг ортиқча тафсилотларга берилмаслиги, муболаға ва шартлилик усусларидан фойдаланиши, тасвирда меъёрни сақлай билиши ижодий тамойил сифатида А.Қаххор ижодида шаклланган.

## МУХОКАМА

“Айниқса, ҳозирги нотинч ва таҳликали замонда бутун башарият олдида пайдо бўлаётган, биз илгари дуч келмаган долзарб мураккаб муаммолар, глобал хавф-хатарларни биргаликда бартараф этиш, шу йўлда барча эзгу ниятли кишиларни бирлаштиришда, дунё аҳолисининг қарийб учдан бир қисмини ташкил этадиган ёшларни гуманистик ғоялар руҳида тарбиялашда бадий сўз санъатининг ўрни ва масъулиятини ҳар қачонгидан ҳам юксалтириш зарурлигини бугунги куннинг ўзи тақозо этмоқда”.<sup>1</sup> Шундай экан, XX аср ўзбек адабиётида ўзига хос ўринга эга бўлган Абдулла Қаххор ижоди бадий тафаккуrimizning бебаҳо бойлиги ҳисобланиб, бугунги ислоҳотлар ва янгиланишлар жараёнида ҳам ёш авлодни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда муҳим вазифани бажаришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Адабиёт ва бадий асар инсон маънавиятини шаклланишида асосий роль ўйнайди.

Миллий адабиётимиз тараққий этишида А.Қаххорнинг ўз ўрни бор. Ёзувчининг насрый асарлари хусусида, жумладан, характер ва бадий конфликт яратиш услуби, асарларининг тили, сюжет-композицион хусусиятлари тўғрисида бирмунча тадқиқотлар қилинган. Бизнингча, ёзувчи асарларининг бадий қиммати тасвирлаш усулидаги ўзига хослиқда ва ҳаёт ҳақиқатини бадий ҳақиқатга айлантириш жараёни, асарни бадий мезонлар, ижодий тамойиллар аспектида баҳолаш эса тарихий жараён ҳисобланади. Айнан шу жараён натижасида ёзувчининг ўзига хос маҳорати, услугий тамойиллари

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлсин. Учинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. –Б.340.

шаклланади. “Бизда поэтик матн тадқиқи дейилганда, ғоя ва мазмундан баҳс юритиш, вазн қофия, бадий санъатлар хусусида сўзлаш тушунилади. Рост гап, бу бир қадар қаноат ва қолиплашган тажриба. Ҳолбуки, чинакам таҳлил ва талқин матнда мавжуд ҳамма нарсани, ҳаттоки, ҳарф товушлари, оҳанг, ранг товланишларини ҳам маънолаштириш, муаллифнинг шахсий ҳолати, кайфияти, рухоний сезимлари билан алоқадорликда ёритиш талаб этилади”<sup>2</sup>. Биз ҳам А.Қаҳҳор асарларининг бадий шакл билан боғлиқ жиҳатларини тадқиқ қилишни, ҳар бир шаклий элементни “маънолаштириш”ни зарур деб билдик. Ёзувчи асарлари ҳар доим катта қизиқиш билан ўрганилган ва адабий жомоатчилик, етук олимларимизнинг тадқиқот обьекти сифатида ўрганилган. Унинг асарлари турли методологик тамойиллар асосида текширилиб, гоҳ ҳақ, гоҳ ноҳақ гаплар айтилган. Ўзбек адабиётшунослигида “Қаҳҳоршунослик мактаби” яратилган. Ёзувчи асарлари йиллар ўтса ҳам ўз муҳлислари ва адабиётшунослар дикқат марказидадир. Адиг асарларига бу қадар эътиборнинг сабаби, бизнингча, ёзувчи ижодий услубининг ўзига хослиги, бадий маҳоратининг бетакрорлигидир. Улар бадий матн мукаммаллиги, образлар, қиссанахон-ҳикоячи нутқининг ўзига хослиги ва композициясининг муҳтасарлигига кўринади.

Қиссанахон-ҳикоячининг ҳикоялаш тизими ва унда муаллиф маҳорати масаласида ўрганишни зарур деб билдик. Шу маънода ёзувчи асарларига бугунги кун нуқтаи назаридан ёндашиш ва уни баҳолаш муҳим саналади..

Ҳаётий воқеалар муаллиф ижодий призмасидан ўтиб, бадий воқеликка айланар экан, унинг ниятларини амалга оширишда ҳикоячи асосий фигура саналади. Ҳикоячининг ривоя тарзи бадий воқеликни шакллантириш жараёнидаги ҳикоячининг баён усули ҳисобланиб, уни амалга оширишда муаллиф асар структурасида қиссанахон-ҳикоячи ва образлар нутқидан фойдаланади. Ривоя тарзининг бу кўринишлари асарда бадий воқеликни ташкиллашда асосий восита бўлиб, сюжетда ҳикоячи ривоя тарзининг турли кўринишларда намоён бўлишига олиб келади. Баён этиш усулининг ўзига хос бу кўриниши бадий воқеликни ташкиллаш тамойилларини шакллантиради.

Абдулла Қаҳҳор насрода ҳикоячи ривоя тарзи ва ҳикоячи функциясини бадий матн асосида ўрганиш муҳим ўрин тутади. Адабиётшуносликка оид манбаларда қиссанахон, қиссанахон-ҳикоячи, ҳикоячи каби терминларга дуч келамиз.

Ҳикоячи асар сюжетида коммуникатив муносабатларни ифодаловчи ҳисобланади. Икки индивид (ёзувчи – китобхон) ўртасидаги муносабат асосан

<sup>2</sup> Ҳакқул И. Бадий матн ва таҳлил қилиш муаммолари. Интернет. [www.literature.uz](http://www.literature.uz)

ҳикоячи воситасида амалга оширилади. У сюжетда воқеа-ҳодисаларга, образларга ўз муносабатини билдириши, китобхонни ортидан эргаштириши ва воқеа-ҳодисаларга ойдинлик киритиши мумкин. Асарнинг истаган ўрнида иштирок этувчи образларга нисбатан у очиқдан-очиқ ўз муносабатини билдира олиш имкониятига ҳам эга. Бадий асар структураси ва образ характерининг шаклланишида ҳикоячи ривоя тарзи асосий саналади. Кино санъатида оператор ҳаётнинг муҳим томонларини кино тасмага туширади, монтаж жараёнида уни саралаб, энг асосийларини томошабинга қўрсатишга ҳаракат қиласиди. Ҳикоячи ҳам худди кинодаги оператор сингари китобхонни асар сюжетида бошқаради, ҳаёт манзараларини картиналар орқали эмас, сўзлар орқали қўрсатиб беради. Театр санъатида ҳаётнинг энг муҳим томонлари пардаларга жойлаштирилиб, парда ва қисмлар ўртасида драматик асар композицияси яратилади. Насрий асарларда бадий воқелик ҳикоячи нутқи, персонажлар хатти-харакатлари асосида матнда акс этади.

Ҳикоячи асар сюжетида қаҳрамонлар ҳолатини ифодалашда асосий саналади. У асар воқеаларни бир фокусга йиғиб, сўнг ўқувчига тақдим этади.

“Бинобарин, муаллиф образи виртуал ҳодиса, амалда айтайлик персонажлар каби мавжуд эмас, вужудга келиши мумкин образ”<sup>3</sup>. Бадий асарда образ чекланган позицияда туради, уларни баъзан салбий, баъзан ижобий образ деб баҳолай оламиз. Аммо ҳикоячи образига нисбатан бундай муносабат билдира олмаймиз. Ҳикоячи бир вақтнинг ўзида асарнинг бадий ва структурал бутунлигини таъминловчи асосий фигура саналади. Асадаги барча нутқий жараёнларни бошқаришда, эмоционал ҳолатларни амалга оширишда ҳикоячининг имконияти кенг. У асар структурасида горизонтал ва верикал томондан бирлаштирувчи асос, ўқ (осъ) саналади, ёзувчи ихтиёри билан асарнинг исталган жойида намоён бўла олади. Шунингдек, ҳикоячининг асадаги салмоғи муаллиф мақсади, жанр талабидан келиб чиқиб, турли даражада бўлади. Ҳикоячи нутқида қуйидаги мазмуний ва шаклий элементлар учрайди: риторик сўроқнинг мавжудлиги; алоҳида экспрессив ва эмоционал сўзларнинг бўлиши; ҳикоячининг китобхонга очик мурожаати; ҳикоячининг китобхонга маслаҳати; ҳикоячи нутқида фонетик, лексик, синтактик усууларнинг ўзига хос қўринишларда намоён бўлиши кабилар.

Юқорида келтирилган элементларнинг барчаси ҳикоячи нутқида бир вақтда ўзида учраши ҳам мумкин. Унинг позицияси эса бадий матнда у ёки бу тарзда намоён бўлади. Демак, бадий воқеликни ташкиллашда ҳикоячи функциясига алоҳида эътиборимизни қаратамиз, чунки адаб асарлари асосида

<sup>3</sup> Мелиев С. “Хамса” да муаллиф образи категорияси. // Ўзбек тили ва адабиёти. –2008 йил, 5-сон. –Б.25.

яратилган тадқиқотларда ҳикоячи ривоя тарзи ва ҳикоячи функцияси масаласи деярли ўрганилмаган назарий муаммо саналади.

## **ХУЛОСА**

Кузатишларимиздан шу нарса маълум бўлдики, А.Қаҳҳор ижодида муаллиф ривоя тарзи бошқа асарлардаги каби ҳикоячи баёни, таснифи, образлар репликаси ва диалоглар кўринишида шаклланган бўлади. Ҳар бир бадиий асарда муаллиф ривоя тарзи ўзига хос бўлиб, у бетакрорлиги билан характерлидир. Бадиий воқеликни ташкиллашда асосий фигура саналган ҳикоячи сюжетда фақат баён этиш билан чекланиб қолмай, коммуникатив муносабатларни амалга оширишда ҳам асосий роль ўйнайди. Ҳар бир асар доирасида тугундан ечимгача бўлган барча жараёнда ёзувчи фаолияти изчиллик билан амалга оширилиши, бизга маълум. Бадиий асар сарлавҳасидан тортиб, асар охирида қўйилган нуқтада ҳам ёзувчи ижодий мақсади, айтмоқчи бўлган нияти ётади. Шу маънода асарнинг барча катта ва кичик элементларида ёзувчининг орзу-истаклари, фалсафий қарашлари ўз аксини топади. Асар сюжетида берилган барча элементларда муаллифнинг воқеа-ҳодисалар, предметларга бўлган муносабати, кайфияти мужассамлашади. Тугун ва ечим ўртасидаги мавжуд алоқа ёзувчи бадиий мушоҳадалари орқали ўтиб, янги бадиий умумлашма кашф этсагина аҳамиятли бўлади.

Хуллас, асарнинг структураси ва унинг бадиий бутунлигини таъминлашда ровий ривоя тарзи етакчилик қиласи. “Майиз емаган хотин” ҳикоясида ровий позицияси бетарафдир. Образлар ўз-ўзини фош этади; ровий баён усулида кесатиқ, киноя, тарафкашлик каби муносабатлар етакчи ўринда туради; қўчма маънодаги сўзларнинг ровий нутқида берилиши жанр поэтикасида муҳимлик касб этиб, муаллиф маҳоратини белгиловчи асосий тамойил ҳисобланади;

“Бошсиз одам” ҳикоясида салбий образларга нисбатан ровийнинг атайлаб ижобий муносабатда бўлиши, ўқувчига эмоционал таъсир ўтказиши ўзига хос ижодий усул ҳисобланиши, бадиий воқеликни “акслантириш”да, саргузашт ва реалистик элементларнинг мавжудлиги “пайвандлаш” зарурати, ровийнинг сюжетда ортиқча тафсилотларга берилмаслиги; ровий воситасида композиция элементларининг бир-бирига пайвандлай олиши, тасвирда муболага ва шартлиликни қўллай билиши ва меъёрни сақлай олиши воқе-ҳодисаларнинг бадиий матнга “акслантиришда” етакчи тамойил ҳисобланади.

Бадиий ижодда-қиссанон ҳикоячи образининг асар сюжетини ифодалашда ва асар бадиий бутунлигининг ифодалашдаги аҳамияти катта.

## REFERENCES

1. Rustamova Ibodat Ikramovna. Rhythm Views on the Plot of the Work // Badiy asar syujetida ritm ko'rinishlari. // International Journal of Innovative Research. – India, June, 2021, –P. 8355-8357. Impact-faktor.7.512.
2. Rustamova Ibodat Ikramovna. ROVI FUNCTION IN THE STRUCTURE OF THE WORK//Asar strukturasida roviy funksiyasi//EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR) – India, May, 2021, –P. 624-66. . Impact-faktor.
3. Rustamova Ibodat Ikramovna. PORTRAIT AND ITS ARTISTIC-AESTHETIC FUNCTION IN THE WORKS OF ABDULLA QAHHOR//Abdulla Qahhor asarlarida portretning badiiy-estetik funksiyasi//AMERICAN JOURNAL OF SOCIAL AND HUMANITARIAN RESEARCH. –America, December, 2021, –P. 230-234. Impact-faktor. 8.047.
4. Rustamova Ibodat Ikramovna. NATIONAL DETAIL AND NATIONALISM IN ARTINTERPRETATION OF VALUES(ON THE EXAMPLE OF ULUGBEK HAMDAM'S NOVEL "FATHER") // Badiiy asarda milliy detallar tahlili(U.Hamdam "Ota" romani misolida // AMERICAN JOURNAL OF SOCIAL AND HUMANITARIAN RESEARCH. –America, December, 2021, –P. 196-198.
5. Gafurovich, S. A. (2021). Analysis Of The Poem" Autumn Dreams" By Abdulla Oripov. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(01), 556-559.
6. Sabirdinov, A. (2021). ASKAR KASIMOV IN THE UZBEK POETRY OF THE XX CENTURY THE ROLE AND IMPORTANCE OF CREATION. *Конференции*, 1(2).
7. Mukhammadjonova Guzalkhan. The image of a creative person in the poetry of Erkin Vohidov. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. Volume : 10, Issue : 11, November. - India, 2020.
8. Mukhammadjonova, G. (2020, December). ARTISTIC INTERPRETATION OF THE CREATIVE CONCEPT IN WORLD LITERATURE. In *Конференции*.
9. Abdurashidovich K. A. Motivation and National Character of Foolishness in Uzbek Literature //ANGLISTICUM. Journal of the Association-Institute for English Language and American Studies. – 2018. – T. 7. – №. 4. – C. 47-51.
10. Qayumov A. CREATING OF A NATIONAL CHARACTER THROUGH MEANS OF LITERATURE //Theoretical & Applied Science. – 2018. – №. 1. – C. 235-240.
11. Джураева, М. А. (2020). THE CONCEPT OF A NEW HUMAN-BEING IN MODERN UZBEK STORIES. Ученые записки Худжандского государственного

университета им. академика Б. Гафурова. Серия гуманитарно-общественных наук, (2), 85-89.

12. Oripova, G. (2019). UZBEK POETRY AND THE WORLD LITERATURE IN THE YEARS OF INDEPENDENCE. *Scientific Journal of Polonia University*, 32(1), 116-120.
13. Oripova Gulnoza Murodilovna. (2019). THE PECULIARITIES OF VAZN METER IN UZBEK POETRY OF THE INDEPENDENCE PERIOD. International Journal of Anglisticum. Literature, Linguistics and Interdisciplinary Studies. Volume: 8 /Issue:2/. – Macedonia, 2019. –P.33-39.
14. Akhmadjonova O. A. Symbolic And Figurative Images Used In The Novel “Chinar” //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2021. – T. 3. – №. 03. – C. 389-392.
15. Ahmadjonova, O. (2020, December). THE ARTISTIC SKILL OF THE CREATOR. In Конференции.6. Oripova G. M., Tolibova M. T. Q. Composition Of Modern Uzbek Stories //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2021. – T. 3. – №. 03. – C. 245-249.
16. Oripova, Gulnoza Murodilovna, Akhmadjonova, Okila Abdumalikovna, Kholmatov, Oybek Umarjon Ugli, & Muminova, Tabassum Siddigovna (2022). INTERPRETATION OF MOTHER IMAGE IN LITERATURE. International scientific journal of Biruni, 1 (2), 304-309.
17. Makhmidjonov, S. (2021). ARTISTIC INTERPRETATIONS OF THE EDGES OF THE HUMAN PSYCHE. Интернаука, (15-3), 75-76.
18. Yulchiyev, Q. (2019). The development of lyric chronotop in Uzbek poetry. *Scientific journal of the Fergana State University*, 2(2), 77-81.
19. Azimovich, R. Z. Chronotope Image in the Novel "Ulubek Treasure" by Odil Yakubov. *International Journal on Integrated Education*, 3(11), 183-186.
20. Rahimov, Z., & Gulomov, D. (2020, December). RETROSPECTIVE STRUCTURE IN FICTION. In Конференции.
21. Dehkonova, M. S. (2020). OYBEK'S POETRY THROUGH ANALYSES OF REPRESENTATIVES OF OYBEK STUDIES SCHOOL. Theoretical & Applied Science, (2), 13-17.
22. Hamidov, M. (2020, December). ARTISTIC FEATURES OF SHUKHRAT'S NOVEL "MASHRAB". In Конференции.
23. UMURZAKOV, R. (2018). Social environment and spiritual world of teenager in narrative “Saraton” by N. Fozilov. *Scientific journal of the Fergana State University*, 1(4), 104-105.

24. Kasimov, A. A. (2020). PECULIARITIES AND SIMILARITIES OF SYMBOLIC EXPRESSION IN THE NOVELS “THE PICTURE OF DORIAN GRAY” AND “THE MAN AT THE MIRROR”. *Theoretical & Applied Science*, (5), 590-592.
25. JURAYEV, H., & ABDURAHIMOVA, J. (2018). Semantic layers of the expression in the Babur lyric. *Scientific journal of the Fergana State University*, 1(3), 111-112.
26. Sabirdinov, A. (2019). Sketches to the novel “Night and day” by Chulpan. *Scientific journal of the Fergana State University*, 1(6), 119-120.
27. Sabirdinov, A. G. (2021). Interpretation of Characters in Utkir Hoshimov’s Story “Yanga”. *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, 8(6), 196-200.
28. Murodilovna, O. G. (2020). Melody and musicality in Lirycs. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 656-664.
29. Oripova, G. M. (2021). Genesis And Essence Of Genre Concept. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(12), 90-94.